

Йиринг ичишдан енгилроқ



08:02 / 29.11.2019 2009

Абдуррахмон ибн Язиддан ривоят қилинади: «Ато Хуросоний билан сафарда эдик. У туни билан намоз ўқиб чиқарди. Туннинг учдан бири ёки ярми ўтганда чодирдан туриб, баланд овоз билан бизни чақирар эди: «Эй Абдуррахмон ибн Язид, эй Язид ибн Язид, Ҳишом ибн Ғоз, эй фалончи ва фалончи! Туринглар, таҳорат қилиб, намоз ўқинглар. Кечалари қоим, кундузлари соим бўлиш йиринг ичишдан, темир парчаларини ейишдан енгилроқ. Шошилинглар, тезроқ бўлинглар, нажот мана шунда!». У шундай деб, яна намозини ўқигани киришар эди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан